

ВАЛЕНТИН
ЛУКША

**ЙИЛ
БҮЙИ
ЁЗ**



шеърлар, эртақлар

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1986

ВАЛЕНТИН ЛУКША ҲАҚИДА

Белорус болалар шоири Валентин Лукша билан кўп йиллардан бери танишман. Кўпинча биз қардош республикаларда ўтказиладиган китоб ҳафталикларида, болалар адабиёти кенгашларида, ижодий уйларда учрашамиз. Бир-биримизнинг ижодимиз билан қизиқамиз, адабиёт ҳақида баҳслашамиз.

Валентин Лукша 1937 йилда Белоруссиянинг Полоук шаҳрида туғилган. Комсомол ишларида чиниққан. Журналист бўлган. Газеталарда, радио-телевидениеда хизмат қилган. Ҳозир эса Белоруссиядаги «Юнацтва» (Ёш-пик/ нашриётига раҳбарлик қилади.

Шоирнинг «Шаҳар бугун туғилди», «Яшил шифохона», «Гўзаллик сари ўн йўл», «Йил бўйи ёз» каби китобларини кичкинтойлар севиб ўқимоқда. Унинг китоблари рус, украин, тожик, эстон, латиш ва қатор қардош халқлар тилларида ҳам нашр этилган.

Унинг кўпчилик шеър ва эртаклари, пьесалари ўзининг ҳаётийлиги, қизиқарли ва соддалиги билан ажралиб туради. Бу шеърлар болалар тилидан ёзилгандай содда, тушунарли.

Айниқса, Валентин Лукша эртакчилик жанрида анчагина ютуққа эришган. Кўпчилик эртакларининг қаҳрамонлари Белоруссия ўрмонларида яшовчи ҳайвон ва паррандалардан иборат. Бу эртак, масалларнинг воқеалари ибратли, янгича. У халқ эртакларидан фойдаланиш билан бирга ўзи қизиқарли, қиссадан ҳисса чиқарувчи эртаклар ҳам тўқийди.

Дўстимиз Валентин Лукша умумиттифоқ болалар адабиётига ўз ижоди ва фаолияти билан яхши ҳисса қўшаётган ижодкорлардан, жонкуярлардан. Беларус тилида чиқаётган 15 томлик қардош халқлар болалар адабиёти антологиясининг ташаббускорларидан.

Ўзбек болалар шоирлари таржима қилган ушбу китоб Валентин Лукшанинг ўзбек ёш китобхонларига биринчи совғасидир.

Пўлат МЎМИН
Ғафур Фулом номидаги республика
мукофот лауреати.



ШЕЪРЛАР

ЙИЛ БЎЙИ ЁЗ

Узоқларга борма, қўй,
Денгиз ҳам ошма, шоввоз.
Қизиқсанг,
Билсанг агар
Ёнимизда доим ёз.
Қаҳратон совуқда ҳам,
Кузда ҳазон тушса ҳам
Атроф яшил,
Қандай соз!
Юрмайсан унча узоқ,
Кўринар Наботот боғ.
Сени қаршилаб кутар
Чапак чалиб ҳар япроқ!
Бундай турфа гулларни
Қайда кўргансан, ўртоқ!
Ер юзин дарахтлари
Ўсар
Бу ерда иноқ.

Баланд бўйли қарағай,
Узоқдан ҳам кўрингай.
Ёнида оқ қарағай
Чўзиб турар эди бўй.
Кийимларин кўз-кўзлаб
Мақтаниб кетди,
Вой-бўй:
— Менинг оппоқ пўстиним,
Жуда чиройли — аъло
Қорбўрон совуқлар ҳам
Писанд эмасдир асло.
Сибирда яшаганман.
Тобланганман доимо.

Бу ер жуда илиқдир,
Жануб ҳавоси гўё.

Игна баргли Арчаой
Мақтанар:
— Манман гўзал!
Қуёш илк нурлари-ла,
Мени ўпади ҳар гал!

Бу — бута,
Қизиқ жуда.
Кирпи қўрқади, аммо.
Одамларга фойдали,
Меваси — дори гўё.
Шамолласа ким агар,
Оғриси томоғи сал.
Мевасидан бир еса
Билмас,
Нимадир касал.
Танишинг, бу — Баобаб,
Росаям ўсиб кетган.
Унинг тана, шохлари
Бутун ўрмонни тутган.
Вой, ажабо,
Қаранг-а,
Бу қандай дарахт экан?
Япроғи йўқ битта ҳам
Турган-битгани
Тикан.

Бу саксовул,
Жуда ҳам
Иссиқни севади у.

Бу ер қумсиз,
У доим
Чўлни қилади орзу.

Эвкалипт,
Бегемотдай.
Сира сувга тўймайди.
Ернинг шарбатин ичиб
Ўсишини қўймайди.

Ям-яшил гулбоғ аро
Яшнаб ётибди зайтун.
Севади у:
Табиат
Осуда бўлса тун-кун.

Қамишнинг оғайниси,
Кўринг, бир новча Бомбуқ.
Кеча-кундуз ўсади,
Сираям тиними йўқ.
Юксалар соат сайин
Дер:— Осмонга етайин!

Гувиллар боларилар
Учишмоқда қай томон?
Атрофга ҳид таратиб
Оҳ,
Гуллабди Арғувон.
Кўриниши гўзалдир.
Гули шира,
Асалдир.

Оқ терак, ой нурида
Кўринар сирли
Гўзал

Афсонавий бу боғда
Товланиб турар ял-ял.
Бу Наботот боғидир,
Қуёш тўкар нур, шўъла.
Ҳамма гуллар,
Дарахтлар
Яшар аҳиллик ила.

Эсса Жанубдан шамол,
Ёки турса қорбўрон,
Ойнавандли бинода
Дарахтлар сақлайди жон.

Ажойиб боғ,
Эртак боғ,
Кўриб,
Диллар бўлар чоғ.

Ўн икки ой,
Йил бўйи.
Бу ерда яшайди ёз,
Шундоқ ёнимиздадир
Йил бўйи — ёз,
Қандай, соз!

Ер юзин дарахтлари
Бу ерда бўлишган жам.
Одамларнинг меҳридан
Баҳраманд,
Яшнар ҳар дам.



ДУСТЛИК ДАРАХТИ

Тўлқин тинмас
Туну кун,
Туман босган
Тоғ кўксин.
Дараларда
Уюшиқ —
Уйлар турар
Қўнишиб.
Мавжлар
Соҳилни
Упар,
Сув қушин
Чайқаб ўтар.
Атрофи
Сеҳрли боғ,
Боқсанг —
Дилинг бўлар чоғ.
Қадди баланд
Хурмолар
Кенг осмонни
Қучоқлар,
Юксакликда —
Билмас ҳад,
Бири-бирига
Тирбад.
Ҳар бир
Дарахтнинг сеҳри
Уйғотар
Дилда меҳринг.

Аммо айтчи,
Айт, қани —
Бу сарв
Қайдан келганин?

Дунё кезиб
Чиқсанг ҳам
Бундаин
Кўрарсан кам.

Ердан
Чўққига қадар
Турли
Мевалар ўсар
Лимону,
Мандарин ҳам
Бир дарахтда
Бўлган жам.
Олмалару,
Апильсин —
Тилни ёргудай
Ширин.
Бир ажойиб
Дарахт бу,
Дўстликдан
Бунёд,
Мангу.

Қора,
Сариқ.
Ёки оқ —
Ким тинчлик
Истар —
Ҳар чоқ,
Элларга бахт тиласа,
Доим
Адолат деса —
Ҳар ким
Турли эллардан
Умид олиб келаркан,
Тилашиб

Яхши ният,
Новдалар
Килган пайванд.

Барча
Мевалар сарҳил —
Етилар,
Пишар ҳил- ҳил.

Пионерлар
Саф тортар,
Ва шундай
Хитоб этар.
— Дўстликка
Соқчи бўлиш —
Биз учун
Муқаддас
Иш!..
Қайга боқсанг —
Дарахтзор —
Ҳар дарахт —
Мўъжизакор.
Бизни
Битта тури ҳам
Қувонтирар чинакам.
Кўзи тушган ҳар инсон
Унда кўриб бир жаҳон —
Доим дўстлашиб кетар
Дарахт сеҳрин ҳис этар.

БИЗНИНГ ОИЛА

Ишчи оиласидир
Бизнинг аҳил оила.
Биз ишлаймиз шаҳарнинг
Ҳамма-ҳамма жойида.
Ҳар тонг билим юртига
Шодон йўл олар бобом.
Салом берар «устоз» деб
Дуч келган ҳар бир одам.
У кўп йил поезд ҳайдаб
Топган обрў-эътибор.
Ҳозир эса шаҳарда
Юз-юзлаб шогирди бор.
Урушда ботирларча
Жанг қилган Ватан учун.
Энди ёш авлодларга
Бахш этар билим, кучин.
Бувим бизнинг мактабга
Йўл олади эрталаб.
Эшикда болаларни
Кутиб олар эркалаб.
Пальтою телпакларни
Илгакларга осади.
Кириш-у танаффусда
Қўнғироқни босади.
Ўз вақтида беради
Гул, дарахтлар сувини.
Эъозламай бўларми
Шундай ширин бувини!
Отам ҳам меҳнат билан
Ўз бахтини яратган.
Трактор заводида
Роса доврӯғ таратган.
Касбига муҳаббат бор
Унинг ҳар бир сўзида.

Йиққан тракторлари
Машҳурдир ер юзида.

Ойим врач.

— А, лаббай?

Оғрияпти бош қурғур?

Унда ҳозир ойимнинг

Олдига қараб югур.

Ойижоним бошингни

Даволайди бир зумда.

Сўнг маслаҳат беради.

Меҳр ёғиб юзидан:

— Шамоллабсан, тойчоғим.

Спортдан қўрқар совуқ.

Ҳар қандайин касалга

Спортдан зўр даъво йўқ!

Осмон бўйи краннинг

Тепасида турган ким?

Эсланг, уни қайдадир

Кўрган чиқарсиз балким.

Ҳа-а, топдингиз.

Журналда

Чиққан эди сурати.

Ҳаммани қойил қилди

Унинг меҳнат суръати.

Хуллас, у менинг опам,

Қурувчилар илғори.

Акам бўлса худди шу

Бригада саркори.

Акам, опам ҳақида

Олингандир кинолар.

Иккалови бир сафда

Қулар баланд бинолар.

Менга келсак,

Шулардек

Бўлмоқ ёлғиз муддаом.
Ҳозир «меҳнат» дарсидан
Олаяпман «беш» баҳо.

Ишчи оиласидир
Дўстлар, бизнинг оила.
Ишляпмиз шаҳарнинг
Ҳамма-ҳамма жойида.



ДОКТОР ҚИЗ ТАНЯ

Нега қочди
Тобингиз
Бирдан дадажон?
Едингизми
Қор ё муз
Ишдан қайтар он?
Деразангиз очилиб
Қолиб эҳтимол,
Тегдимикан
Тўсатдан
Ё совуқ шамол?
Ё шарфингиз
Тақилмай
Қолдими тағин?
Йўқ эканми жойида
Иссиқ қулоқчин?
Ҳафа бўлманг,
Адажон,
Сизни тузатай,
Ишга кетар чоғингиз
Ўзим кузатай.

Шарфингиз тутайин
Мен икки қўллаб,
Иссиқ ботинкангизни
Кўяман ўнглаб.
Қалпоғингиз
Тахт бўлар
Кетар маҳалда.
Шартларимни бажаринг
Биринчи галда:
Спорт билан
Дўст бўлинг,
Роса чиниқинг.
Кейин майли бемалол
Кўчага чиқинг.
Шундан сўнгра
Касаллик
Қочади сиздан,
Севинасиз мендайин
Докторингиздан.



КАМАЛАК

Кезиб

Дала

Бир тўп бола

Ёзда мисли камалак —

Ранглар танлаб

Чизар сурат,

Суратлари:

Ка-ма-лак.

Чиза-чиза,

Бармоқ букиб

Санай-санай

Баҳслашар:

Камалакнинг

Ранги қандай?

— Бинафшаранг!

— Йўқ, сариқ!

— Йўқ, оловранг!

— Ҳаворанг, кўк!

— Қизил!

— Яшил!

— Қолиб кетди биттаси!

— У қай бири?

— ЗанГори!

Яна ҳама баравар

Сурат чиза бошлашар.

Чиза-чиза

Улар яна

Баҳслашиб қолишар:

Қайси рангда

Қандай маъно,

Айтсин кимки

Бўлса доно:

— Зўри, билсанг,

Бу — сариқ ранг.

Нур сочганда

Яйрар тананг...

— Ҳаворанг кўк —

Тинчлик рамзи,

Билсанг, бундан зўри йўқ.

— Бинафшаранг, ўйлаб қара,

Ҳурмат маъносин берар,

Ҳаммасидан шу сара!

— Яхши, яхши,

Аммо яшил —

Баҳор бўлиб қувонтирар,

Яшнар хил-хил.

— Ҳа-ҳа, аммо

Энг ёрқини —

Қизил рангдир,

Айт, тўғрими,

Озодлик ва ҳаёт бўлиб

Курашларга ундар доим —

Ёлқини!


— Оловранг ҳам

Турар кулиб —

Апельсиндай
Ширин бўлиб.
Етти ёрқин
Ранг ёнма-ён
Турар бўлса —
Камалак.
Ҳар рангга
Ранг —
Ярашади,
Худди етти соф тилак.
Аммо фақат
Қора ранг йўқ,
У ранг хунук —
Фалокат.
Қоронғилик
Сочиб юрар,
Кимга керак бу даҳшат!

Бир тўп бола
Қувнай-қувнай
Чизар сурат:
Ка-ма-лак.

Чиза-чиза
Қўшиқ айтар
Яйраб худди —
Ка-па-лак.



ЁЗНИНГ РАНГДОР ТОШЛАРИ

Шовуллайди Кўктебель,
Ғувиллайди ўйноқ ел.
Тўлғонар денгиз бевош,
Болалар отади тош —
Денгиз билан қувлашиб,
Аридек ғув-ғувлашиб.
Қизим келар ёнимда,
Қўймас ҳоли жонимга.
— Дада, анув нима, вой?..
— Қоратоғ-да, ўша жой.
— Вуй, мунчаям баҳайбат,
Булутлардан ҳам баланд!
Йўл борми ўша ёққа.
Юринг,
Чиқайлик тоққа.

Қизим
Ва мен —
Икковлон
Денгиз бўйида шодон
Бораяпмиз териб тош,

Эргашар
Бизга қуёш.

Қизим беради савол:
— Булар-гавҳар эҳтимол,
Билмайсизми,
Дадажон,
Улар қандай,
Ва қачон —
Пайдо бўлган дунёда,
Нур олади қаёқдан?
— Тарихи бор, албатта...
— Айта қолинг, жон, дада...
— Мана бу — худди пўлат
Қаттиқдир, аммо ялт-ялт —
Килар,
Тиниқ сочар нур,
Билсанг асли шу — биллур.

Ферузадир
Буниси,
Осмонга ўхшар туси.
Кўзни олгудай
Шаффоф,
Лаълдир,
Қара қандай соф!

Чақмоқтош —
Тиниқ кулар,
Камалакдай
Турланар
Йўл-йўл
Ақиқ либоси.
Йўқдир унинг
Баҳоси.

Яшил тош
Товланади,
Кўрсанг —
Кўз қувонади.
Бунисин —
Ранги сафсар.
Сиёҳга —
Ўхшаб кетар.
Денгиз чаяр тинмасдан,
Қийналар юволмасдан..

Денгиз гоҳ тўлқин отар
Гоҳо шивирлаб ётар.
— Балки
Топармиз гавҳар?
Ё изласак
Бу сафар —
Оёқ остидан беҳос
Топилиб қолар олмос?
Тошларнинг йўқ саноғи,
Ҳар хил ранги, бўёғи.
Айтинг-чи, дада, булар —
Қаёқдан пайдо бўлар?
— Бу ҳақда бор ҳикоят,
Қадимийдир
Ниҳоят.
Айтсам айтай,
Қулоқ сол,
Не бўлганин
Билиб ол.
... Кўп қадим юз берган ҳол,
Сақлаб қололмай хаёл —
Ажабмас бўлса унут...
Тошлар ҳам сақлар сукут...
Ер юзи — кенг боғ бўлган,
Боғлар гулга кўмилган.


Бўлмаган
Қирғин, уруш,
Одамлар ҳам беташвиш
Эккан,
Қурган,
Куйлаган,
Уйлар кўкка бўйлаган.
Кўктебель ҳам ўша вақт.
Оламга бўлган пойтахт.
Қоратоғ тепасида,
Оқ булутлар остида
Биздан олис,
Ўша пайт —
Бир сарой кўтармиш қад,
Ҳашаматли экан у,
Гўё оламга кўзгу.

Гавҳару, ёқут, биллур
Туну кун сочаркан нур.
Пештоқлар —
Яшил,
Алқон,
Товланиб турар ҳар он.
Гўзалликдан солар жар
Оламга олам қадар.
Эъозлаб уни ҳар ким
Қошида қилар таъзим.
Ўтибди кўп замонлар,
Йилу ойлар, давронлар
Одамлар ўзгарибди,
Ифволар қўзғалибди.
Беҳуда жанжал-сурон —
Авж олибди кўп ёмон.
Пайдо бўлибди девор,
Қулфу калитлар қатор...

Қиличлар тўкибди қон,
Ўқ узибди ёй-камон.
Тугабди ахир бардош,
Жазолай, дебди, Қуёш.
Тортиб олиб саройни,
Ахир бу гўзал жойни
Арзийди этса макон
Фақат қалби соф инсон.
Энди қолмади тоқат,
Сайрога солмай ғорат.
Яшаб кўринг аламда.

Бахт қувилган оламда
Битта-битта тош териб,
Улкан саройни қуриб
Бермагунча қўлга-қўл,
Топмагунча тўғри йўл!
Гувлаб яқин-узоқлар
Ларзага келди тоғлар.
Сарой ҳам учиб кетди,
Денгизга тушиб кетди.

Эрта-ю кеч тинмас ел,
Аридек ғувиллайди
Гувиллайди Кўктебель.
Қизим
Ва мен
Икковлон
Денгиз ёқалаб шодон
Сайр этамиз териб тош,
Эргашар бизга қуёш.



ТАБИАТ КОМПАСИ

Болалар
Эрта тонгда
Отланишди походга.
Завқ-ла, боқишар йўлга,
Боқишар,
Ҳар гул, ўтга.
Куёш тинмай сочар нур...
Бирдан...
Болалар, қаранг,
Типирчилаб қолишди.
Асаблар бўлиб таранг.

— Эй, болалар,
Тўхтангиз,
Қулоқ берингиз бирпас.
Компасни олмапмиз-ку,
Уйда қолибди компас?
Йўллар узоқ,
Нотаниш,
Дала,
Ўтлоқ,
Қир,
Ўрмон...
Шимол ўзи қаёқда,


Қаёқда Жануб томон?
Энди борамиз қаён?
Ортга қайтмоқлик даркор?
Юрмайлик дайдиб, бекор?
Ҳаммага қараб бир-бир
Таняой очади дил:
— Ахир,
Бу саёҳатга
Тайёрландик нақ бир йил!
Агар-чи, йўлдан қайтсак
Жуда уят...
«Компас йўқ»,
Бўлмаса нима қипти?
Бор-ку, бизга йўл-йўриқ!
Қайси томон Шимолдир
Ва жанубдир қай томон.
Дала,
Анҳор,
Қир,
Ўрмон —
Айтиб беради осон.
Ҳатто қуёшнинг ўзи
Бизга беради кўмак.
Ой ҳам...

Бунинг-чун дўстлар
Борлиқни билмоқ керак!
Қайси томонда бўлса
Қутб юлдузи агар,
Билинг,
Демак
Шимол ҳам
Шул томонда муқаррар.
Шимолга тутамиз юз,
Чапда —

Ғарб.
Ўнгда
Шарқдир.
Бу сизга тунги компас.
Йўқ бу ерда ҳеч бир сир.
Кундуз кунлари аммо
Дарҳол қуёшга қараб,
Билиб оламиз.
Жануб қай тараф.

Қиздиради тобора,
Тинмай Жануб қуёши.
Боғларга,
Далаларга
Сочади қўр, оташин.
Шимол,
Ҳатто ёзда ҳам,
Иситмайди тузукроқ.
Ишонмасанг,
Ям-яшил
Дарахтга,
Майсага боқ!

Яна битта белги шу:
Тонг чоғида
Ҳамма гул,
Қуёшга,
Шарқ томонга
Боқиб турар нуқул,
Дала,
Анҳор,
Қир,
Ўрмон:
Айтиб турар ҳар қачон,
Жануб қай томон!
Катта мактаб — табиат,
Билмаймиз уни фақат,



АЖОЙИБ СОАТЛАР...

Сайрга чиқдик
Гўзал ёз чоғи.
Нурларга тўлган
Дала қучоғи.

Бу ер қандай соз,
Ўйна, кул ўртоқ!
Кеч. қоламан, деб
Ўйлама, бироқ.

Барқ уриб ўсар
Бунда гул, кўчат.
Оғайни,
Гуллар —
Мисоли соат.

Соатни созлар
Қуёшнинг ўзи.
Мурватин бурар
Келганда кези.

Ана сариқгул
Олифта, сатанг.
Ҳаммадан барвақт
Уйғонар, қаранг.

Сариқ шапкаси
Ёнар нақ чироқ.
Демак, соат уч
Бўлиб, ўртоқ!
Орадан роса
Ўтгач бир соат,
Ёзар гулбаргин
Наъматак албат.

Соат бўлди беш,
Ана,
Қара, бор!
Гулларин ёзиб
Очилди кўкнор.

Момақаймоқ-чи,
Бўлганда олти
Япроқларини
Тез ёза қолди.

Етти...
Зиғирзор
Уради тўлқин.
Қуёш нурида
Сочар қўр, ёлқин.
Пиёзгул ғунча
Очибди, қизиқ.
Демакки,
Саккиз
Бўлгани аниқ.

Тўққиз...
Очилар
Эчкимия ҳам.
Гул шафақдай
Чиройли бирам.
Соя жойларга
Кун қадам ташлар.
Ерни тобора
Қиздира бошлар.

Қаранг,
Соат ўн
Бўлдими дарров?
Равоч юз очиб
Ёнади лов-лов.

Тевага тикка
Келибди қуёш.
Иссиқдан
Бу пайт
Қизир тупроқ-тош...

Соат нақ икки...
Чиройли кўкнор.
Юзни бекитиб
Олади такрор.
Соя орқага
Қайтяпти кўрсак,
Картошка гуллар,
Соат уч,
Демак,

Тезда бир соат
Ўтиб қолибди.
Сариқ гул юзин
Ёпиб олибди.

Соат беш бўлди,
Кўз юмар зиғир.
Дам олмоқлик ҳам
Керак-ку, ахир,

Олтидир соат...
Оппоқ нилуфар
Сувга бош қўйиб
Ёнбошлаб олар.

Етти...
Учоқда
Қолган чўғ гўё
Наъматак ёниб
Бўлади адо.

Тўққиз бўлибди,
Эчкимия ҳам
Чарчабди роса,
Энди олар дам.

Тўхтаб қолмайди,
Аммо гул соат.
Тунги бинафша
Олади навбат.
Гўзал ёз чоғи
Кезиб дала, қир,
Ҳамма гулларни
Ўргандик бир-бир.

Гўзалдир гуллар,
Кўпдир сир, хикмат.
Ҳар бир гул экан.
Ажойиб соат.

ЭМАН ВА ҚЎЗИҚОРИН


Тўнкага ёпишволиб
Чириган бир қўзиқорин,
Ёнидаги эманга
Айтар эди оҳ-зорин:
— Ҳой,
Ўзингча гердайиб,
Бунча тикка ўсибсан?
Шохинг,
Япроғинг билан
Нақ юзимни тўсибсан?
Мени ҳурмат қил сағал,
Бўлма бунча муттаҳам,
Нариги ёнбошга ўс,
Яйраймиз,
Сен ҳам,
Мен ҳам.
Эман дер:
— Яшнайвергин,
Чекаверма, ҳадеб ғам.
Бобо қуёшнинг нури
Етар ҳаммамизга ҳам.
Ўт остидан қўзиқорин
Тинмасдан жаврар эди.
— Вой-бўй,
Чидай олмайман.
Бошим ёрилар энди.
Ё, тавба,
Токайгача,
Мен сенга бўлиб қарам,
Соя-салқин маконда
Яшайман кўрмай қарам?
Йўқ,
Менда қолмади куч,
Кетолмаяпман ўсиб,

Бу ҳолга сен сабабчи,
Қуёшни қўйдинг тўсиб.

Эман дер:— Қўй, бекорга
Йиғлайверма,
Чекма ғам.
Бобо қуёшнинг нури
Етар ҳаммамизга ҳам.

Бир томон қайирганди
Эман шоҳу япроғин,
Кўкдан ёйилиб келди
Қуёшнинг нур-булоғи.

Қари қўзиқорннинг
Кўзлари тиниб кетди.
Кундан-кун қуриб,
Синиб,
Сочилиб,
Куни битди.



БЕЛОВЕЖА ЎРМОНИ

Шамол эсса тоғлардан,
Беловежа ёқлардан,
Кўзинг олдида шу он
Яшнаб кетар ҳар томон.
Тўкиб кўрку виқорин —
Гувлар ўрмон диёри.

Кўриниб турар баланд —
Қўриқчи минори билан
Одамлар кўпдан буён
Оқ ўрмон деб берган ном.
Бунда қалин ўрмонлар —
Тушида жанг-суронлар.

Қўрғонлардан нарида
Қалин ўрмон бағрида
Акс-садо
Янграб қолар,
Янграб ҳайратга солар.
Сен қўйиб дадил қадам
Кир.

Музейдан эмас кам,

Чакалакзор
Оралаб —
Қўтос ўтар
Мўралаб.
У — ўрмоннинг
Эгаси,
Асло йўлин —
Тўсмагин.
Ўтлоқда нур
Ўйнайди,
Кийик ўтлаб,
Қувнайди.
Сесканиб тушади гоҳ.
Чиройли,
Аммо қўрқоқ.

Келади
Шохдор буғу,
Охурга бўй
Чўзар у.
Тоштуз ялар
Бемалолъ
Оққанд деб
Қилар хаёл.
Оловдек
Кундуз куни —
Липиллар
Тулки думи.

Инида
Мудрар бўрсиқ.
Бирон нарса
Этса «тиқ»—
Кўзи аланг-жаланг қилар,
Юраги йўқ, чўчиб қолар.

— Сенми?— дер
Сувсичқонга,
— Нима бор
Бу томонда,
Бузасан тинчим нукул,
Бугун қилмайман қабул.

Қуёнчалар
Ғумбак ўйнар,
Қарағайга
Бўйин бўйлар.
Олай демас
Сира дам.
Кулгилидир
Жуда ҳам.

Чангалзорда
Пусиб, секин —
Бош кўтарар
Силовсин.
Десанг бўлмас:
— Қани йўқол!..
Бўлиб қолар бир кору-ҳол.
Мушукка ўхшар,
Бироқ —
Ундан сал кўрқинчлироқ.
Ўтлоқ бўйлаб —
Кетган из,
Юрибди
Демак тўнғиз.
Роса топтаб қўйибди,
Ҳаммаёқни
Ўйибди.
Ўрмонда бор
Бўри
Ҳам.

Аммо улар
Жуда
Кам.
Ўнтами,
Ё йигирма,
Ўтирмаймиз йиртқичларни
Биз санаб.
Осмон тиниқ
Қарасак —
Япроқлар
Чалар қарсак.
Унда қушлар
Яйрайди,
Чуғур-чуғур
Сайрайди.

Ўтлоқларда қарқурлар
Боқ —
Бир-бирин
Қуварлар.
Қурқуш учар
Дувиллаб,
Юрак кетар
Шувиллаб..
Дарё бўйлаб
Ўрдаклар
Бир-бирин
Дараклар.
Аммо дарё
Қаёқда?
Ҳув қалин
Толзор ёқда.
Келиб қара
Яқинроқ,
Ҳайвонлар бор
Бесаноқ.



Ундан ўтган
Сувсар изи кўринар,
Тонгдан
Бута
Арралашга уринар.
Уя қурган
Кўлмакка,
Ҳеч ким келмас
Кўмакка.

Сув чайқалиб
Кетар бирдан,
Қундуз чиқар
Чуқурдан.
Дер:— Қўймайман
Уйимга,
Кўрсатмайман
Ҳеч кимга.
Ов қиламан
Бир ўзим.
Овдан ҳаммадан
Ўздим!

Яшил олам,
Яшил ўрмон!
Сокин ором
Олар ҳарён.
Кўзларингда
Шодлик ёнар,
Мўъжизалар
Жилоланар.
Дунё билан
Тиллашасан,
Ҳаммага бахт
Улашасан!

СЕРТИКАН МЕҲМОН

Бизнинг Тая
Қувониб,
Қарар сўзлари ёниб,
Қувонишин боиси,
Ахир унга дадаси
Олиб келди чорбоғдан,
Ажиб меҳмон —
Сертикан.

Кирпитикан
Думалаб,
Қўйди бурнин жийриб,
Ниналарин найзалаб,
Кирди гилам остига,
Бўлиб олиб думалоқ
Уйқуга кетди шу чоқ,
Рости гап.
Келтиришди
Ширгуруч.
Келтиришди, суту гўшт.
Аммо гилам остида,
Рости гап,
Қаранг, меҳмон чиқмади,
Иззат-икром шунчалик,
Меҳмонлигин билмади.

Кеч ҳам
Кирди ҳойнаҳой,
Деразадан
Боқди ой.
Бизнинг меҳмон — сертикан,
Қайга келиб қолдим ман, —
Дея тушиб ташвишга,
Уй-жойин ўрганишга

Чиқди бирдан,
Урнидан.

Ухламади онаси
Бу оқшом.
Кўз юммасди отаси
Бу оқшом.
Тонгда туриб шашт билан
Ота деди:
— Биламан,
Барисига
Гуноҳкор
Бу беор —
Кирпитикан.
Туни билан мисли ёв,
Уйимизни алғов-далғов.
Қилди
Мана шу айбдор.
Юриб мисли трактор
Қара,
Гиламда излар,
Биламан, нима излаб.
Оқшом чопди
Тўрт томон.
Қара, йиқилган гулдон.
Расво бўлибди жавон,
Китобни титиб тағин,
Чайнабди муқовасин.
Бизни қилди
Саргардон
Келтирилган бу меҳмон.
Энг биринчи,
Аввало
Унга берайлик жазо.
— Тўхта,— деди онаси.

Шошқалоқлик нимаси?
Кузатайлик бу оқшом,
Борди-ю, кирпитикан,
Бу ишин
Қилса давом.
Уни жонли бурчакка,
Топширамиз,
Вассалом.
Яна оқшом,
Кеч кирди,
Деразадан боқди ой.
Секин юрар сертикан.
Яна қайдалигини
Ўрганмоқда
Ҳойнаҳой.
Шивирлайди онаси:
— Ҳу деворнинг тагида
Кўзи милт-милт ёняпти.
Жавоб берар отаси:
— Оёқ учида юриш —
Машқини
Оляпти...
Яна улар ухламас,
Кузатишар басма-бас.
Сўз қотади онаси,
Сўз қотади отаси.
— Қандай
Одобли меҳмон,
Омон бўлгур
Сертикан.
— Қойил,— деди
Онаси,
— Қойил,— деди
Отаси.
Бундай ақлли

Меҳмон
Бизнинг уйда
Яшасин...
Бизнинг Таня
Хурсанд, шод,
Қутилди бир ташвишдан,
Қийналмади озмунча
Сертиканни
Кеч киргач,
Юришга ўргатгунча,
Такрор деди Таняхон:
— Қулоқ солгин,
Сертикан!
Оқшомлари
Юргин жим,
Дам олсин, дадам, ойим,
Бўлма бунча эркатоё.
Кенг бўлсин деб
Сенга жой,
Мана гулдонни олдим,
Қоқилиб
Кетмагин деб,
Онам,
Мени,
Сени ҳам
Койимасин тагин деб,
Эрта туриб жойимдан,
Мен қарашдим ойимга.
Тегмасин деб
Сенга гап
Пол ювдим ўн марталаб.
Тинглаб туриб
Сертикан,
Жим бошин
Эгди тамом...
Кеч кирганда

Сертикан
Энди чопмас дўпирлаб.
Уйдагилар уйқусин
Асло бузмас,
Аниқ гап.
Қўғирчоқ-ла иши йўқ,
Ўрнида турар гулдон,
Китобларнинг варағин
Титкиламас сертификан.
Қолса агар
Очиқиб,
Ликопчадаги сутдан,
Аста олади ичиб.

Бундай хулқ-атвор
Учун
Меҳмонни керак
Сийлаш
Унинг билан
Бир уйда,
Арзийди
Юз йил яшаш!





ҚОРДАГИ ЁЗУВЛАР

Алифбени

Биламан,

Ўқийман,

Ёзаман ҳам.

Бир кун менга тўсатдан

Шундай дедилар дадам:

— Ўрмон алифбесин ҳам

Ўрганишга етди пайт.

Излар — ёзувлар,

Уни

Ўқий оласанми, айт?

Мен эса бўлдим ҳайрон.

Дада, қизиқ сўзингиз.

Бу ҳақда-чи,

Аввало

Айтиб беринг ўзингиз.

— Ўғлим,

Ана, липиллаб

Ўтиб кетди бир ҳайвон.

Бу ўзи,
Қандай ҳайвон?
Қара,
Текшир сен обдон!

Ўзи кетди,
Йўқолди.
Аммо-чи,
Изи қолди.
Оппоқ, момиқ қордаги
Излар — белгилар демак.
Бўрининг изи итнинг
Изига ўхшар бешак.

Токи баҳор келгунча
Айиқлар ухлар тарақ.
Лек улар ичида ҳам
Учрайди бебош, саёқ.

Айиқлар қорда юрса
Билиниб турар шундоқ:
Қўпол,
Беўхшов излар...
Демак,
Юрибди маймоқ.

Қуённинг изи деса,
Қарагин,
Қизик роса.
Қорли далада, инон,
Етар тўқилган арқон.
Сал ҳуркиса,
Қўрқса қуён
Бўлади дарров аён.
У сезгир,

Адаштирмоқ
Бўлиб дарҳол изини
Гоҳ уён,
Гоҳ буёнга
Ташлайди у ўзини.
Нинабаргли арчадан
Шувиллаб тўкилар қор.
Бу бежизмас,
Шохларда
Питанак олмахон бор.

Қор узра йўл-йўл излар..
Бу из кимники, қани?
Билмасанг айтай ўзим,
Дала сичқонин...

Тулки ҳеч
Ўтирмас жим,
Доимо изғиб юрар.
Ўтлоқ,
Чакалакзорда
Изи кўриниб турар.
Хўш, бежирим бу излар
Олиб борар қаёнга?
Тўппа-тўғри
Ҳув,.. анов
Товуқхона томонга.

Ана,
Шошиб-ошиқиб
Сувга чопаркан Буғу,
Бамисоли ченадай
Қорни ўйиб борар у.
Дарахтга қайраб тишин
Кўргин
Бир қилган ишин.
Қорларни қовлаб,

Эзиб,
Кўзга кўринмас ўзи.
Бу экан қайси ҳайвон?
Э,
Бу Кобон!

Жуда эпчил ва чаққон,
Елдай чопар Охужон.
Қарасанг бундоқ,
Излари узоқ-узоқ.
Бечора охужон-ей,
Тез чопар...
Нега бундоқ?
Ахир унинг ортидан
Қувламас-ку
Ҳеч бир зоғ.

Энди-чи, Сувсарнинг ҳам
Изини кўргин, ўғлим.
У ҳам Тулкидай худди
Билмайди недир тиним.

Индан чиққач изғийди,
Сувсар қолиб овқатсиз,
Кимдир унинг ортидан
Қувиб кетган изма-из.
Урмон
Алифбеси бу,
Турган-битгани билим.
«А»сидан
То «Я»гача
Олгин ҳаммасин билиб.

ЯНГИ ЙИЛ КАРНАВАЛИ

Борлиқ оппоқ,
Мусаффо.
Байрамдек безанган зал.
Ҳадемайин бу ерда
Бошланади Карнавал.
Ўртада яшил арча,
Товланар ўйинчоқлар.
Бу ерда жам бўлишган
Барча дўсту ўртоқлар.
— Салом дўстим!
— Ассалом!
— Янги йил қутлуғ бўлсин!
Кундалигинг доимо
«Аъло»га тўлиб турсин!
Ҳадемайин зал бўйлаб
Жаранглайди қўшиқ-куй.
Ўйин-кулги қизийди,
Ахир бугун байрам — тўй!
Худди шу пайт эшикдан
Кириб келар Қорбобо.
— Қорбобожон,
Қорбобо!
Даврамизга марҳабо!
— Болалар, мен ёлғизмас,
Ёнимда Қорқиз ҳам бор.
Бизлар шошиб келяпмиз
Тоғлар ошиб, кечиб қор.
Бўлдик кўплаб шаҳарда,
Қишлоғу овулда ҳам.
Бугун бутун дунёда
Шодлик,
Тантана,
Байрам!
Янги йил кайфияти

Шодлик сочар дилларга.
Ҳадемайин янги йил
Келади бу ерларга.
Янги йил борган жойни
Шўх садолар тутади.
Дунёда бу байрамни
Ҳар ким ҳар хил кутади.

Мисол учун Бирмада
Ҳозир қордан йўқ нишон.
Улар байрамни сувда
Кутиб олар шўх-шодон.
Япон оролларида
Шундай қизиқ одат бор:
Ким, нима расмин чизса
Янги йил қилар тайёр.

Гвинея томонда
Иссиқ қайтарар дамни.
Бу ерда улкан филлар
Кутиб олар байрамни.

Голландия ерига
Янги йил кирган заҳот.
Денгизлар қучоғидан
Ҳайқиради пароход.
Кимда-ким уйда бўлса
Пиширганча бўғирсоқ,
Кемалар наърасига
Жимгина тутар қулоқ.

Ҳаммасидан ғаройиб
Шведларнинг одати.
Улар идиш-товоқни
Деразадан отади.

Шундай қилсанг, уйингга —
Йўламасмиш фалокат.
Янги йилда ишларинг
Бўлар эмиш аломат.

Қоғоздан илон ясаб
Ҳар киши Ҳиндистонда,
Янги йилда илонни
Оқизади ўрмонга.

Италияда кимни
Бўлса эски буюми,
Уни кўчага отиб,
Тозалайди уйини.

Инглизлар байрамни
Ўз уйида кутади.
Эшигидан ким кирса
Унга қадаҳ тутади.
Кимки меҳмон бўлишни
Агарда қилса ҳавас
Марҳамат,
Фақат қўлда
Муштдай кўмир бўлса бас,
Уйга кирганда уни
Ташлаганда печкага.
Бу уйда роҳат қилиб
Ўтиравер кечгача...

Бирдан соат жаранглаб
Ўн иккига занг урди.
То янги йил киргунча
Ҳамма қотиб, жим турди.
Кейин бирдан бошланди
Ўйин-кулги, куй-қўшиқ.

Қорбобою Қорқиз ҳам
Кўшиқ айтдилар жўшиб.
Қизлар рақс тушдилар.
Шеър айтилди галма-гал.
Энди то саҳаргача
Давом этар карнавал!

НЕГА ЮРИШМАС ИШИМ!

Турли-туман
Иложларни
Қилдим ҳар кун,
Шодлик менга
Кулиб боқмас
Нима учун,
Нима учун?
Алланима
Етишмайди,
Иш пишмайди,
Юришмайди!
Шунақаям
Юз ўгирган
Мендан «беш»лар.
Чаппасига
Кетган ишлар!
Фирт ташвишлар.
Талай «беш»лар
Юля деган
Аълочига
Ўтишволган.
Инсофданми?
Кундалигим
Тарк этишган.
Бошқаларда
«Беш» баҳолар
Талай-талай.
Биттагина
«Бешим» қурғур
Қочиб кетди
Тумтарақай.

Яхшиликлар
Мендан қочар
Доим йироқ.
Бўлай демас
Ҳеч ким менга
Яқин ўртоқ!
Ана шундай
Савол билан
Бошим гаранг.
Қайга борсам
Ишим юрмас
Буни қаранг,
Буни қаранг!
Бошқалар ҳеч
Билишарми
Шундайлигим?
Бехосият
Эканмикан
Кундалигим?
Юришмайди,
Юришмайди
Нечун ишим?
Ана шундай
Ўтаяпти
Ёзим, қишим.
«Беш»ни нуқул
Хаёл қилдим —
Мен эҳтимол?
Етказарми
Ҳеч орзуга?
Қуруқ хаёл?



ЖОНЛИ БАРОМЕТР

Табиатни севсангиз дилдан
Сир-белгисин этар намоён:
Об-ҳавонинг феълин олдиндан
Янглишмасдан топасиз осон,
Табиатнинг жуда ҳам ҳушёр
Жонли барометри бор.

ТУМАН

Эрталабдан, агарда
Туман бўлса сув юзи.
Кийиб юрманг плашни,
Иссиқ бўлар кундузи.

Оппоқ туман ёйилса
Ўрмон узра, мабодо.
Ёмғир қуяр туш пайдан
Булут сузиб ҳавода.

ҚУЕШ

Кун қизариб кирса булутга,
Эрта ҳаво айнийди кундуз.
Шамол букар қайинни ёйдек,
Ҳуштак чалар мўрилар сўзсиз.

ЎРМОН

Шамол эсмас,
Титрайди ўрмон.
Шувиллайди безовта бу оғ.
Сайрингни бас қила қолгин,
Пана жойга ўзингни олгин.
Ҳавонинг бу авзойи, демак,
Бизга берар ёмғирдан дарак.

КАМАЛАК

Дарёга мисоли камардак
Товланар ранг-баранг камалак
Эртага кун очиқ — ярақлар,
Офтоб кулади чарақлаб.

ЧИВИНЛАР

Чивинлар ўйнаб ғужғон
Ғинғиллаб қилар ғавғо:
Эрта — саёҳатга мос,
Илиқ бўлар об-ҳаво.

КАПТАРЛАР

Ғув-ғувлашса каптарлар,
Очиқ кундан нишона.

Чарақлаган офтобда
Тобланиш мумкин яна.

ТУРНА

Турна ўйнар ботқоқда
Кунлар исир мутлақо.

НОВДА

Қуриган новдасини
Ташлади дарахт —
Ёмғир томчилашини
Кутингиз фақат.

ТОВУҚ

Товуқ чаққон жўжаларин
Олар қанот остига —
Демак ёмғир ё дўл ёғар,
Ҳазил эмас, рост гап.

МОКРИЦА-ЎТ

Об-ҳавонинг қандай ҳолати?
Мокрица-ўт айта олади:
Гулларини юмиб олса бас,
Сутка ичи ҳеч ёмғир тинмас.

ТУРҒАЙ

Жўр куйламай қўйса агар,
Демакки яна ёмғир ёғар.



ТУТУН

Мўрилардан чиққан тутун
Ер юзини олса бутун;
Ёзда ёмғир ёғиши бор,
Кишда эса оқ момиқ қор.

ҚИРОВ

Қиров дарахтни
 қопласа оппоқ,
Ҳаво ёришиб
 кун исир мутлоқ.

ҲАККА

Зағизғон тунамоқ учун
Бўғот бўйлаб қидирганда жой.
Демак ёмғир ёғиб ўша кун
Остонада пайдо бўлар лой.

* * *

Табиатнинг доно, ҳушёр
Жонли барометри бор.

ЭРТАКЛАР

ТУЛКИНИНГ УЧГАНИ ҲАҚИДА

Бир тулки ётиб
Ини-уйида
Кўкка учмоқчи
Бўлди ўйида.
«Кўтарилмас бир
Баланд осмонга,
У ердан мен ҳам
Боқсам ўрмонга»,
Дея ўйлаб у
Уйқуси қочди.
Тонгда дилини
Лайлакка очди:
— Эй, лайлак дўстим,
Келгандир фурсат,
Илтимосим бор,
Учишни ўргат.
Лайлакнинг шу он
Қотди энсаси,
Таажжуб ичра
Қисди елкасин:
— Бўлайин дебсан
Барчага кулги.
Кўрганмисан ҳеч
Учганин тулки?

Сўзида қатъий
Турган тулки дер:
— Сен каби учай,
Менга ёрдам бер,—
Тулкига қараб
Шундай дер лайлак:

— Учир десанг, хўп
Учирай, тентак...
Тишлаб олди-да,
Тулкини шу он,
Кенг осмон
Томон
Кўтарди чаққон.
Орзу-истаги
Чиқиб рўёбга.
Кўкдан қарарди
Тулки атрофга.
Лайлакка дерди:
— Ҳар ёнга қара,
Эҳ-ҳе, ўрмонлар,
Ажиб манзара.
Барча тулкилар
Ичидан
Чиндан
Ўзим бўламан
Биринчи учган!
Нима экан бу
Учиш осмонда.
Кўргин росаям
Осон, осон-а!
Ўзим учаман
Қўйвор-чи, аста,
Ҳа, учрашармиз
Сен билан пастда.—
Лайлаквой эса
Қўйворди уни...
Кўриб қўйинглар
Энди тулкини.
Тулки қараса,
Росаям маза.
Тулкивой ғир-ғир
Ер томон шўнғир.

Ерга боқса-чи,
Ётарди тўнка...
Бурила олмас
На чапга, ўнгга.
— Вой қутқаринглар,
Яшаб қолайин!—
Тулкининг кўзи
Кетган олайиб.
Ердаги ётган
Чўкиртак тўнка.
Кўрсатиб қўйди
Учишни унга...

ҲАҚИҚАТ ҲАҚИДА ҲИКМАТ

Қадим-қадим замонда
Қуюқ ўрмон томонда,
Кўрмайин сира ҳузур,
Ўтказар эди умр
Ака-ука қадди дол
Панга бўлишиб қарол.
Буғдой экиб,
Йиғиб дон,
Тўйишиб емасди нон.
Омборни тўлдириб Пан,
Уларга берарди панд.
Кунлар ўтарди оғир,
Елкаси бўлиб яғир.
Ака-ука чор-ночор
Кун кўриб бечораҳол
Туғаб сабр-
Бардоши,
Ғам-ла эгилган боши.
Қийноқда қолиб бутун,
Бахтин синамоқ учун,
Йўлга чиқди олиб бош,
Бўларми деб ғам адош.
Қилишиб аҳд-паймон,
Кетаверди икковлон.

Йўл юриб, мўл юришди,
Сахро-ю, чўл юришди.
Билишмади на чарчоқ,
Мана кўринди қишлоқ.
Қишлоқ
Пан уйи ҳашам,
Дейишди: оламиз дам.
Йўлга чиққандик бизлар,
Ҳақиқату бахт излаб.

Ҳолдан тойиб кетгач куч,
Пан уларга келди дуч.
Ва сўраб қолди дарҳол:
— Учирди қайси шамол?
Ака-ука икковлон
Жавоб беришди шу он:
— Қишлоғимиз бор эди,
Бизлар унда хор эдик.
Ер ҳайдаб экардик дон,
Аммо кўрмас эдик нон,
Асло қолмади тоқат,
Излаб бахту ҳақиқат
Келдик бунда отахон,
Бўлиб сару саргардон,
Панга қилишиб таъзим,
Тикилиб туришди жим...
Айёрона боқди Пан
Ич-ичдан бўлиб хурсанд.
Деди:— бераман ёрдам,
Сизники, боғу далам.
Чекибсиз кўп машаққат
Излаб бахту ҳақиқат,
Ўзим сизни сийлайн,
Орзунгиз кулар тайин.

Панга ишониб лаққа,
Ишлар шар ака-ука.
Кўтаришар хирмон, дон,
Аммо ёлчиб емас нон.
Яна азоб-уқубат,
Кўринмайди ҳақиқат.
Пичоқ етгач суякка
Панга дер ака-ука:
— Қилгандик яхши ният,
Топамиз деб ҳақиқат.
Ўшқиради пан баттол:

— Ҳақиқат, сизга увол.
Ҳунарингиз ёзу қиш,
Билинг, бизларни боқиб.
Бош ҳақиқат мана шу,
Эшак калласиз,
Апшу...
Панга ўқрайиб боқиб,
Дарғазаб, этак қоқиб,
Яна излаб ҳақиқат,
Йўлга чиқишди барвақт.

Кўриниши мисли қоп,
Черковдан чиқиб келди
Улар томон кекса поп.
— Қайси шамол учирди,
Биз томонга кўчирди.
— Қишлоғимиз бор эди,
Бизлар унда хор эдик.
Ер ҳайдаб, экардик дон,
Аммо кўрмас эдик нон,
Бездирди очлик, офат,
Излаб бахту ҳақиқат,
Келиб қолдик отахон,—
Жим бўлишди икковлон.
Пан соқолин силади,
— Оллоҳ, барин билади.
Сизникидир бу ошён,
Бирга ишланг, икковлон.
Ҳақиқат сизни топар,
Бахтингиз ўзи чопар.
Ака-ука қадди дол
Яна бўлишиб қарол.
Ишларар,
Татимай туз.
Оғир ботар ризқу рўз,

Ҳолдан тойиб кетгач куч,
Попга улар бўлди дуч,
Қайда ўзи ҳақиқат,
Ростини айтинг фақат.
Сенга ишониб қадим,
Қилиб келамиз таъзим.
— Ҳақиқат!—
Хўмрайди поп,—
Мана бу крестда, топ.
Бари ёзуғлик, унда
Сизлар туғилган кундан
Оллоҳ чиқарган ҳукм.
Қулликка этиб маҳкум.
Юрма излаб, йўқ, борни,
Сен боқасан диндорни.
Ака-ука тутоқиб,
Дарғазаб,
Этак қоқиб
Яна ҳақиқат излаб,
Юришар шому саҳар,
Дуч келади савдогар,
— Қайдан келиб,
Қай томон,
Кетаяпсиз
Икковлон.
Сўз қотади савдогар,
Ака-ука баробар
Уни қилишиб тавоб,
Беришар шундай жавоб:
— Бизлар унда хор эдик.
Экиб, ўриб, хирмон дон
Ўзимиз емасдик нон.
Келдик, қийнагач офат,
Излаб бахту ҳақиқат.
Уларга ташлаб назар,
Шундай деди савдогар,

— Ҳақиқат ёнингизда,
Аямай жонингизни
Ишланг,
Бари бор бўлгай.
Бахтингиз ҳам ёр бўлгай.

Яна ишлар икковлон
Тер тўкиб, куйдириб жон.
Яна ўша уқубат,
Кўринмайди ҳақиқат.
Қўл-оёғи қабариб,
Бағри-дили бўлиб қон,
Укаси дер:
— Акажон!

Ҳақиқат изладик биз,
Не юртни кезмадик биз.
Юрдик пою-пиёда,
Ҳақиқат йўқ дунёда.
Тамом жонимдан тўйдим,
Бахтим изламай қўйдим.
Мен бормайман ҳеч ёққа,
Ака,
Қайтгум қишлоққа.
Тақдирига бериб тан,
Ука кетди шу билан.

Ёлғиз ака чор-ночор,
Кетса ҳам танда мадор,
Сўзидан қайтмай фақат,
Қайдасан деб ҳақиқат,
Излади кеча-кундуз.
Татимайин бирон туз,
Қилиб орзую ният
Каттакон
Фабрикага
Келиб тушди ниҳоят.

Бир йил,
Йўқ-йўқ, икки йил
Эзилди бунда баттар.
Эҳ, айтишга
Бормас тил,
Ҳақиқатдан йўқ хабар,
Уч йил ўтди шу маром,
Бирдан эшитди калом:
— Дунёда бормиш бир зот,
Камбағални умрбод
Бошлармиш озодликка,
Бахт сари бошлаб тикка
Ҳақиқатга эмиш бош,
Ўша зот — буюк қуёш.

Ака яна олди йўл,
Йўл юрса ҳам юрди мўл.
Юрди шому саҳарлар,
Ортда қолди шаҳарлар.
Орзу сиғмай ўйига,
Етди Нева бўйига.
Қаддин ростлаб, артди тер:
— Чамамда бу ер Питер.
Қайда яшайди Ленин!
Кимдир имлади секин:
— Юр оғайни мен билан,
Мен борайин сен билан.
Тил топишиб икковлон,
Бораверди ёнма-ён.
Нақ иккови чошгоҳда
Кирди қутлуғ даргоҳга.
Ийманиб турди ака,
Юраги така-пука,
Ленин эди иш-ла банд,
(Меҳмонлар эди хурсанд.)
Хона эди сокин, тинч,

Уларга боқиб Ильич,
Шошилиб кўрсатди жой:
— Чарчагансиз ҳойнаҳой,
Бир озгина олинг дам,
Бошлаб келди не сизни
Шодликми?
Ёки алам.

Ака бир-бир сўзлади.
— Мен ҳақиқат изладим.
Қайда бўлсам,
Қочди у.
Поп, йўқ,— деди.
Пан ҳам
— Йўқ.

Савдогар ҳам,— йўқ,— деди.
Ҳақиқат — бизга ишлаш,
Кўнглинг бўлсин тўқ, деди.
Фабрикада айтишди,
Ёлғиз Ленин
Ҳақиқат!

Ленин унинг сўзларин
Эшитди қилиб диққат,
Кўзларида ўт чақнаб,
Сўнгра деди:— Биродар,
Ҳақиқат, ҳа, ҳақиқат,
Билгин, қўлларда фақат,
Ишчи-деҳқон бирлашса,
Бахти учун курашса
Тамом қарор топар ҳақ
Ва бахтиёр яшар халқ.

Куч йиғиб бургутдақа
Фабрикага қайтди ака.
Ҳар ишчига,
Деҳқонга,
Ҳар битта мазлум жонга,

Ленин,— дея,— ҳақиқат,
Сўзлаб юрди ҳаммавақт.
Ҳақиқат — дилга кўчди,
Ҳақиқат — тилга кўчди.
Ўн еттинчи йил. Ленин.
Ағдарди ғам тоғини.
Миллионлар даст кўтарди
Ҳақиқат байроғини.
Ушалди
Аканинг ҳам
Эзгу орзу-нияти.
Мангу байроғи бўлди
Лениннинг Ҳақиқати.

ҲАСАДЧИ ЛОЙХЎРАК

Ўтирганча
Бир лойхўрак
Хаёлларга
Толди, демак —
Дилда ҳасад,
Қилар ҳасрат:
— Бола-чақам
Жудаям кам.
Қўшним чумчуқ
Зўр оила,
Айтай очиқ,
Ўнта бола,
Ўнта бўлса
Ўрни бўлак.
Яна шундай
Дер лойхўрак:
— Менда-чи оз,
Икки қизим,
Хотин, ўзим,
Шудир холос.
Бундай ҳаёт
Дастидан доди
Десам дангал,
Ўлган афзал.
Осмон бўйлаб,
Учиб, ўйнаб,
Ҳасад қилиб,
Бағрин тилиб,
Ул лойхўрак
Дерди шундай:
— Дуч келса тош
Ураин бош.
Каллам тегсин
Ё эманга,

Парчалансин
Ҳар томонга!
Ахир яшаш
Тегди жонга.
Бундан кўра
Ҳа, ўлайн,
Ёки кўкат,
Қум бўлайн!
Кўзин юмиб
Олди шу он,
Ўзин отди
Пастлик томон:
— Бир умрга
Хайр, осмон!—
Дегач, ширин
Кўринди жон.
Очди чаққон
Қўш қанотин,
Сақлаб қолди
Жон-ҳаётин.
Ичи қора
Ул лойхўрак
Боши билан
Шўнғир, демак —
Ерга етай
Деганда ғиз,
Қанотини
Очар-да, тез,
Ўлишга ҳеч
Етмай кучи,
Тағин кўкка
Чиқар учиб.
Баъзи палла
Ташлар калла.
Яна кўкка

Учар тикка.
Ичи қора
Бир лойхўрак
Ҳасад билан
Яшар шундай.

БАХТ БИЛАН КАМБАҒАЛ

Кеч тушган маҳал
Битта камбағал
Бахтсиз тақдирдан
Нолибди бирдан:
— Менга ҳаммавақт
Нега кулмас бахт?
Қаерга чопай,
Қаердан топай?—
Ҳасратидан чанг
Чиқаркан яланг.
Ёнида шу вақт
Турарди бахт нақд.
Камбағалга дер:
— Менга қулоқ бер,
Сенинг бахтингман,
Тайёр — нақдингман.
Тақдиринг қўлда,
Адашма йўлда!

Бахт уни шу кез
Етаклади тез.
Битта ғор томон
Етишди омон.
Бахт тилга кирди,
Шундай уқдирди:
— Мана хазина,
Тушсанг қирқ зина,

Кўрасан қоп-қоп
Тилла беҳисоб.
Гапга қулоқ сол,
Кўтарганча ол.
Шарти бор фақат:
Ақлингни ишлат.
Қопинг-чи, ахир
Бўлмасин оғир.
Шундай мазмуни:
Кўтариб уни —
Ерга қўймайин
Дам олмай бадар
Элтишинг керак
Уйингга қадар.
Ерга қўйсанг сал
Яна камбағал —
Бўласан бирдан,
Огоҳ бўл сирдан!
Кўнсанг шу шартга
Иш бошла шартта.
Ишга камбағал
Киришди жадал.
Кўрса ҳаммаёқ
Олтин-зар тоғ-тоғ.
Кўзлари ёнди,
Роса қувонди.
Тупугин ютди
Шартни унутди.
Кўзлари тўймай
Оларди қўймай.
Олса, яна боз
Кўринарди оз.
Анча ўлтирди,
Қопни тўлдирди.
У бир амаллаб,
Қопни орқалаб

Одимлаб зўрға
Сўнг тушди йўлга.
Тушганди терга,
Қомати ерга —
Теккудай эди.
Қараса энди —
Зўрға йўл босар,
Қоп уни эзар.
(Букилган бўйи)
Яқин-ку, уйи...
Лекин куч-мадор
Тугаган бадар.
Уйи шу дам
Қолди бир қадам.
Қарангки шу топ
Олтин тўла қоп —
Тегди-я ерга,
Йиқилди бирга.
Қараса йўлга,
Қопдаги тилла
Бўлгандай хийла
Айланди кулга.
Бой бўлишга сал
Қолиб камбағал
Тушди шу кўйга,
Бўш қайтди уйга.
— Мен учун ҳеч вақт
У лаънати бахт
Кулмас бир дафъа,—
Деб бўлди хафа.
Бахт келиб шу тоб,
Сўзлади шитоб:
— Мендан нолима,
Дегандим нима?
Чиқди эсингдан,
Юрдинг изингдан.

Олганинга оз,
Бўларди-ку, соз.
Очкўзлик қилдинг,
Охир йиқилдинг.
Ҳа, бундан буёқ
Сенга шу сабоқ!

МУНДАРИЖА

П. Мўмин. Валентин Лукша ҳақида 3

ШЕЪРЛАР

Йил бўйи — ёз (<i>Рауф Толиб таржимаси</i>)	5
Дўстлик дарахти (<i>Ёдгор Обидов таржимаси</i>)	10
Бизнинг оила (<i>Абдусaid Кўчимов таржимаси</i>)	13
Доктор қиз Таня (<i>Пўлат Мўмин таржимаси</i>)	16
Камалак <i>Ёдгор Обидов таржимаси</i>)	18
Ёзнинг рангдор тошлари (<i>Ёдгор Обидов таржимаси</i>)	21
Табиаат компаси (<i>Рауф Толиб таржимаси</i>)	26
Ажойиб соатлар (<i>Рауф Толиб таржимаси</i>)	29
Эман ва кўзиқорин (<i>Рауф Толиб таржимаси</i>)	33
Беловежа ўрмони (<i>Ёдгор Обидов таржимаси</i>)	35
Сертикан меҳмон (<i>Сафар Барноев таржимаси</i>)	41
Қордаги ёзувлар (<i>Рауф Толиб таржимаси</i>)	46
Янги йил карнавали (<i>Абдусaid Кўчимов таржимаси</i>)	50
Нега юришмас ишим? (<i>Пўлат Мўмин таржимаси</i>)	54
Жонли барометр (<i>Жўра Раҳим таржимаси</i>)	56

ЭРТАҚЛАР

Тулкининг учгани ҳақида (<i>Пўлат Мўмин таржимаси</i>)	61
Ҳақиқат ҳақида ҳикмат (<i>Сафар Барноев таржимаси</i>)	64
Ҳасадчи лойхўрак (<i>Пўлат Мўмин таржимаси</i>)	72
Бахт билан камбағал (<i>Пўлат Мўмин таржимаси</i>)	74

Лукша, Валентин.

Л 86 Йил бўйи— ёз : Шеърлар, эртаклар /
[Тузувчи ва кириш сўз муаллифи П. Мў-
мин].— Т.: Ёш гвардия, 1986.—80 б., расм.

Валентин Лукша — белорус болаларининг севимли шоири. Ушбу китобга шоирнинг табиатни куйловчи шеърлари, эртакларидан намуналар киритилди.

Лукша, Валентин. Лето круглый год. Сти-
хи, сказки.

С (Бел)

Для детей младшего школьного возраста

На узбекском языке

ВАЛЕНТИН ЛУКША

ЛЕТО КРУГЛЫЙ ГОД

Стихи, сказки

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент—1986

Редактор Султон Жаббор
Рассом П. Аненков
Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев
Техн. редактор В. Демченко
Корректор Ш. Валиева

ИБ №1971

Терншга берилди 8. 05. 86. Босишга рухсат этилди 25. 06. 86. Формати 70×90¹/₁₂ №1 босма қоғозига «Журнально-рубленая» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,5. Шартли босма листи 2,92. Шартли кр. отт. 3,21. Нашр листи 3,23. Буюртма 123. Баҳоси 20. Шартнома №113—85 Тираж 10000.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмаҳонасида босилди. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.